

Д.И.ХОДЖАКУЛОВА

**ТАЛАБА ШАХСИНИНГ
КАСБИЙ ЙЎНАЛГАНЛИГИ**

ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ИНСТИТУТИ**

Д.И.ХОДЖАКУЛОВА

**ТАЛАБА ШАХСИНИНГ
КАСБИЙ
ЙЎНАЛГАНЛИГИ**

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 37.015.323 (575.1)

КБК 74.58р

X-69

X-69

Д.И.Ходжакулова. Талаба шахсининг касбий йўналганлиги. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 184 бет.

ISBN 978–9943–4497–0–1

Талабаларда касбий йўналганликни шакллантириш учун касбни эгаллаш имкониятлари кенглигига, бўлғуси ишнинг келажагига ишонч ҳосил қилиш, меҳнат анъаналарини тарғиб қилиш, касбнинг ишлаб чиқариш ва эстетик томонларини, унинг ижодий характерини кўрсатиш зарур. Монографияда талаба ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларини тўғри ташкил этиш, талабаларда ўз касбига қизиқишни ривожлантириш, уларнинг касбий йўналганлик динамикаси, касбий йўналганликда жинс фарқлари масалаларини илмий асосланган ҳолда ҳал қилиш бўйича муаллифнинг кўп йиллик илмий изланишлари натижалари келтирилган.

УЎК: 37.015.323 (575.1)

КБК 74.58р

Масъул муҳаррир:

З.Т.Нишанова – Психология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

П.С.Эргашев – психология фанлари номзоди, доцент;

Ф. Икрамхонова - педагогика фанлари номзоди

Монография Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти илмий Кенгашининг 2013 йил 23 декабрдаги мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

ISBN 978–9943–4497–0–1

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи чақириқ IX сессиясида 1997 йил 29 августда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилингандан сўнг ўтган вақт давомида республикаимиз миқёсида ёш авлодга берилаётган таълимни такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди.

Президентимиз И.А.Каримов ўсиб келаётган ёш авлод камолотини таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий аҳамияти ҳақида ўзларининг кўплаб нутқларида, асарларида таъкидлаганлар. Ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаш масаласига Президент И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли маърузаларида тўхталиб ўтганлар. Президентимиз республикаимизда асосий устувор йўналишлардан бири кадрлар масаласи эканлигини кўрсатиб, қуйидаги фикрларни билдиради: «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ»¹.

Бўлажак мутахассисларнинг мотивацияси, қадрият йўналишлари, ижтимоий установакалари касбий йўналганликнинг таркибий қисмларидандир. Касбий йўналганлик мазмунидаги ижобий ўзгаришлар бўлғуси касб билан боғлиқ бўлиб, мотивлар мустаҳкамланишида кўринади, яъни иш бўйича ўз мажбуриятларини яхши бажаришга интилиш, билимдон мутахассис сифатида ўзини кўрсатиш, мураккаб ўқув вазифаларини муваффақиятли бажаришга интилиш, ишда ютуқларга эришиш истаги кучаяди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.- Т.: «Ўзбекистон», 1999. –Б.18.

I БОБ. ШАХС КАСБИЙ ЙЎНАЛГАНЛИГИ МУАММОСИНИ ФАНДА ЎРГАНИШ АНЪАНАЛАРИ

1.1. Шарқ мутафаккирларининг касбий таълим ва тарбияга оид психологик қарашлари

Тарихимизга назар соладиган бўлсак, ҳозирги ўзбек халқининг аجدодлари бундан бир неча минг йиллар аввал ўзига хос маданиятни вужудга келтиришда жуда катта ва машаққатли йўлни босиб ўтганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, аждодларимизнинг ёш авлод таълим-тарбиясига оид қарашлари, ўғитлари ҳақидаги қимматли маълумотларга эга бўлишимизда энг қадимги ёзма ёдгорлигимиз «Авесто»нинг ўрни беқиёсдир. Умумий равишда «Авесто»да инсон меҳнати билан барча ёвузликлардан қутулиши мумкин, деган улуг ғоя илгари сурилади [142].

Зардушт Ахурамаздадан дунёда шодлик ва бахт макони қаерда эканлигини сўраганда, унга шундай жавоб берилади. У шундай жойки, кишилар у ерда уй-жой курадилар, оташкардалар бино этадилар; у шундай жойки, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, бола-чақали бўладилар; мен ҳар иккала қўли билан фидокорона меҳнат қилувчи кишини қўллайман, унинг ишига барор, ҳосилига барака тилайман. Ахурамазда меҳнатни, хусусан, деҳқончиликни ёвуз кучларга қарши курашнинг таянчи, яхшилик манбаи деб кўрсатади. «Авесто»да ёшларни касб-ҳунарга ўргатишга, ҳалол меҳнат қилиб тўқ фаровон ҳаёт кечиришга даъват этилади. Бундан кўринадики, энг қадимги даврларданок халқимиз фарзанд тарбиясига, уни касб-ҳунарли бўлиб фаровон турмуш кечиришини таъминлашга катта эътибор билан қараган.

Мамлакатимизда етишиб чиққан буюк мутафаккирларимиз, қомусий олимларимиз ёшларга таълим-тарбия бериш ва уларни касб-ҳунарга ўргатиш масалалари бўйича ўзларининг буюк асарларида қимматли фикр мулоҳазаларни

билдириб, бу борада нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида йўл-йўриқлар кўрсатганлар.

Шарқ мутафаккирлари таълимотларида ўғил ва қизларга таълим- тарбия бериш, уларга касб-хунар ўргатиш ғояси муҳим ўрин эгаллайди. Буюк қомусий олим Абу Наср Форобий касб-хунар тўғрисида илк фикрларини билдириб, қимматли маслаҳатлар берган, чунончи, таълим сўз ва кўникмалар мажмуи, тарбия эса амалий малакалардан иборат иш-ҳаракат эканлигини, муайян касб-хунарни ўрганишга берилган, у билан қизиққан кишилар шу касб-хунарнинг чинакам шайдоси бўлишини айтган [131], [132]. Бу мулоҳазалардан англаниб турибдики, аллома касб-хунар инсоният учун азалдан жуда зарур ҳаётий восита бўлиб келганини тан олган.

Хулоса қилиб айтганда, Форобий таълим-тарбия таълимотининг асоси комил инсонни шакллантириш, бунда ёшларга ўз вақтида ўринли таълим ва тарбия бериш, уларни касб-хунарга йўллаш орқали бахт-саодатга эриштириш, жамиятда ўз ўрнини топишига ёрдам бериш ғоясидан иборат.

Шарқда биринчи бўлиб Ер ва Осмон глобусини ясаган Абу Райхон Беруний илм фан тараққиётига улкан ҳисса қўшиш билан бир қаторда, таълим-тарбияни амалга ошириш усуллари, методларини ҳам кўрсатиб ўтган. Энг муҳими мутафаккир инсон камолотида, меҳнат ва меҳнат тарбияси ҳақида муҳим фикрларни баён этади. У ҳар бир хунар эгасининг меҳнатига қараб турларга бўлади. Оғир меҳнат сифатида бинокор, кўмир қазувчи, хунарманд ва фан соҳиблари фаолиятини келтиради. Айниқса, илм аҳли олимлар меҳнатига алоҳида эътибор бериш, ҳайрихоҳ бўлишга чақиради, уларни маърифат тарқатувчилар, жамият равнақига ҳисса қўшувчилар деб билади [17].

Олим болаларни меҳнатга ўргатиш методлари, йўллари ҳақида ҳам фикр юритади. Масалан, болаларни энг кичик ёшдан меҳнатга ўргатиш керак, дейди. Меҳнат тарбиясида ўша давр анъанасига кўра ворисликка катта аҳамият беради. Берунийнинг «Минералогия» асарида хунармандчиликка оид шогирд тайёрлаш жараёни, усталарнинг хунар ўргатиш методлари ҳақида ҳам қимматли фикрлар баён этилган. Бунда шахсий намуна методидан фойдаланилган. Иш жараёни

бевосита ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан устахонанинг ўзида бажарилганлиги шогирдларнинг малакали уста бўлиб етишишида катта аҳамиятга эга бўлган. Беруний инсон ҳар томонлама камолга етишиши учун у илмли бўлиши билан бирга меҳнатсевар ва ҳунар эгаси бўлиши ҳам керак дейди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Берунийнинг комил инсонни шакллантиришга оид бу фикрлари, ҳозирги давр таълим-тарбия ишларини такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга [10].

Шарқнинг улуғ алломаларидан бири «Шайх-ар- Раис» номи билан машҳур бўлган Абу Али Ибн Синодир. Мутафаккирнинг педагогик-психологик қарашлари илмий асосда қурилган бўлиб, у боланинг феъл-атвори ва тасаввурларини шакллантиришда умуминсоний ғоялар қўлланишини таъкидлаган ҳамда мураббий, ота-оналарга болани қаттиқ тан жазосидан кўра, шахсий ибрат орқали вояга етказиш маъқуллигини кўрсатади [43].

Мутафаккирнинг «Донишнома», «Рисолаи ишқ», «Уй хўжалиги», «Тиб қонунлари» асарлари халқимиз одоб ахлоқ психологияси ва табобат оламида алоҳида ўрин тутди.

Ибн Синонинг меҳнатсеварлик тарбияси борасидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, у ҳар бир болани бирор ҳунарга ўргатмоқ шарт, дейди. Ёш йигит бирор ҳунарни ўрганса, уни ҳаётга татбиқ эта олса ва мустақил ҳунар орқали оилани таъминлайдиган бўлсагина, отаси уни уйлантириб қўймоғи лозим, деб ҳисоблайди. Ўспирин ҳунар эгаллаши билан унда нафақат ахлоқий ҳислар, балки характернинг иродавий хислатлари ҳам таркиб топа бошлайди. Ҳунар эгаллаш орқали ўспиринларда сабр-бардошлилик, чидамлилик, меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, тадбиркорлик, зукколик каби инсоний сифатлар шаклланади.

Ибн Сино ҳар бир инсоннинг миждидан келиб чиққан ҳолда касб танлашга алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидлаши унинг ёшларни касб-ҳунарга йўллаш масалаларига алоҳида эътибор билан ёндашганини кўрсатади. Унинг фикрича, ҳар бир инсон фақат унга тегишли бўлган хусусият-

ларгагина эгадир, унга ўхшаган инсонлар камдан-кам бўлади [43].

Ҳозирги даврда ҳам алломанинг фалсафий-психологик қарашлари, ижтимоий ҳаётимизда ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Унинг тарбия ва миждоз хусусидаги фикрлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш ишида муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Олимнинг психология бўйича бизга мерос бўлиб қолдирган асарлари башарият учун дастуриламал сифатида хизмат қилади.

XI асрнинг буюк мутафаккири Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» асарида инсон ва унинг ҳаётига оид қарашларини баён этган. У одамнинг Аллоҳ томонидан яратилганлигини ҳамда одамнинг дунёга келиши, унинг келажакда қандай одам бўлиб вояга етиши аждоди ва келиб чиқишига нисбатан муносабатларига боғлиқлигини айтиб: «Кимнинг насли отадан бошлаб тоза бўлса, ундан элга яхшилик, кўп манфаатлар келади», деб ҳисоблайди. Юсуф Хос Ҳожиб инсонга билим нечоғлик зарур бўлса, касб-ҳунар эгаллаш ҳам шунчалик муҳимлигини алоҳида таъкидлайди. Аллома жамият тараққиёти ва халқ фаровонлигида муҳим ўринга эга бўлган деҳқонлар, чорвадорлар, савдогарлар, табиблар ҳақида ҳам муҳим фикрларни баён этади [136]. Зеро, у касб-ҳунар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, моддий ва маданий тараққиётининг ўлчов бирлиги саналишини етарлича англаган.

Мутафаккир илм-фан, ақл-заковатга эга бўлишга инсон маънавий камолотининг энг муҳим ва биринчи мезони сифатида қараганки, унинг бу фикрлари ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Кайковуснинг «Қобуснома» асарида касб-ҳунар ҳақида бир қатор фикр-мулоҳазалар келтирилади: «Эй фарзанд огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига наф еткурмас. Билурсанки, тиканли бутанинг тани бордур, аммо сояси йўқдир. Ҳунарсиз киши ҳам тиканли бута янглиғ на ўзига, на ўзгага фойда берур» [136,125]. Мутафаккирнинг фарзандлар касб-ҳунар эгалламаса, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаслиги ҳақидаги фикри айниқса, эътиборга лойиқ.

Саъдий билим олиш билан бирга хунарнинг ҳам инсон учун қай даражада афзаллигини уқтиради. Чунки «Хунар қайнар булоқ, туганмас давлат, - дейди у, агар хунарманд молидан маҳрум бўлса қайғуси йўқдир. Хунарманд қаерга борса, кадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. Хунарсиз одам эса, ҳамиша машаққат чекади, тиланчилик қилади» [136, 156].

Истеъдодли шоир, етук тарихчи, моҳир таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий ўзининг ижодий фаолиятида ўғил ва қизларнинг ақлий, ҳиссий ва жисмоний имкониятларини ғоят зийраклик билан кузатган ҳолда, уларнинг феъл-атворини тезроқ билиб олиш, салбий ва ижобий сифатларини осонроқ аниқлаш, ёқимсиз хатти-ҳаракатларини бартараф этиш мумкин, деган хулосага келади. Огаҳий ўз давридаги касб-хунар соҳалари, халқ удум ва анъаналари бўйича ўзининг қимматли фикрларини билдирган. У халқ анаъналари ҳамда урф-одатлари тўғрисида изоҳлар берар экан, турли касб усталарининг инсон камолотидаги аҳамиятини бирма-бир таърифлаб ўтади [142].

XII-XVI асрларда яшаб ижод этган мутафаккир алломалардан Жалолиддин Румий, Мир Алишер Навоий, Хоразмий ва бошқаларнинг фалсафий-психологик мулоҳазаларида турли касбларга оид бугунги кун учун ҳам аҳамиятини йўқотмаган фикрлар талайгина.

Алишер Навоий комил инсон образини яратибгина қолмай, уни тарбиялаш услуби, йўллари ҳам баён этди ва педагогик фикрлар тараққиётида «Назмул-жавоҳир», «Ҳайрат-ул-аброр», «Маҳбуб-ул-қулуб»дек шоҳ асарлари билан муносиб ўринга эга бўлди [142].

XV асрда яшаган бошқа мутафаккирлар каби инсоннинг, юксак ахлоқий хислатларини, гўзал фазилатларини куйлаш орқали, унинг бахт саодатга эришиш йўллари ҳам баён этган алломалардан бири Абдурахмон Жомийдир. Жомий ўзининг «Силсилотус заҳаб» (Олтин тизмалар) дostonининг «Севимли азиз фарзандга насиҳат» бобида, энг аввало, ҳар бир ёш билим олиш зарурлигини, умрини беҳуда ўтказмаслиги, аммо билим олгандан сўнг унга амал қилиш лозимлигини таъкидлайди ва амалиётсиз илм ҳам беҳуда эканлигини алоҳида уқтириб ўтади.

Жомий билим, ҳунарсиз кишини ўтиндан бошқага ярамайдиган мевасиз дарахтга ўхшатади. У ҳар бир ёшни ота обрўси, шон-шуҳратидан мағрурланмай, ўз йўлини танлашга, илму ҳунар ўрганишга ундайди [136].

Маълум бўладики, Абдурахмон Жомий ўз асарларида инсонни улуғлади, уни маънавий камолот даражасига кўтаришнинг асосий мезонларидан бири билимлилик, ақлий камолотнинг юксак даражасига эришиш зарурлигига алоҳида диққатни қаратди.

XV асрда нафақат Эронда, балки Хуросон ва Мавороуннаҳрда ҳам ижтимоий, фалсафий, маърифий фикр тараққиётига катта ҳисса қўшган олимлардан бири Жалолоддин Давонийдир. Давоний болаларнинг ақлий қобилиятини ривожлантириш билан касб-ҳунар ўргатиш ҳақида ҳам қимматли фикрларни билдирган. Давоний муаллимнинг болаларни қайси касбга қизиқиши, қобилиятини яхши билиши зарурлиги ҳақида гапириб, бола қизиқиб бирор ҳунар ёки илм билан шуғулланса, унга ҳар қандай шароитда ҳам имконият яратиб бериш керак, деб уқтиради [136].

Агар у ёки бу шахснинг муайян касб-ҳунарга иштиёқи бўлмаса, уни мажбур қилиш мумкин эмас, акс ҳолда у ўзини қийнайди ва бу касб-ҳунар унга бахт-саодат келтирмайди. У кишиларнинг руҳий қувватига боғлаб, касб-ҳунарни учга бўлади: биринчиси инсон ақлига тегишли, иккинчиси таълим-тарбия натижасида вужудга келади, деб унга астрономия, математика, тиб, геометрия фанлари билан шуғулланишни киритади; учинчисига кишиларнинг шижоати, жасурлиги билан боғлиқ касбларни киритади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, Давоний касб-ҳунар эгаллаш инсоний фазилатларнинг энг муҳими, деб талқин этади. Давонийнинг касб-ҳунар ҳақидаги қарашлари шу билан аҳамиятлики, у оддий халқ меҳнатини, деҳқон меҳнатини улуғлайди. Инсон фақат меҳнати туфайлигина бахт-саодатга эришуви мумкинлигини, меҳнат инсон шахс сифатида камол топишининг бош мезони эканлигини исботлайди.

Шу даврнинг яна бир йирик олимларидан бири Ҳусайн Воиз Кошифий бўлиб, у ахлоқ, мантиқ, адабиётшунослик,



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/78> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/78> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/78>